# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 17 ноябрь, № 227 (6662) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**



## Атроф-муҳит муҳофазаси ва ахборот-коммуникация технологиялари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги роли ҳамда аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик, идора, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари, соҳа олимлари ва экспертлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги долзарб вазифаларни ҳал этишда илғор ахборот-коммуникация технологиялари роли, аҳамияти ва истиқболларини баҳолаш, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ва геоахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, атроф-муҳит ҳолатининг давлат мониторинги ахборот базасини шакллантириш ҳамда ягона давлат кадастрини амалга ошириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётимизнинг турли жабҳаларига татбиқ этишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда тараққий эттириш учун барча зарур шарт-шароит яратилган бўлиб, тизимли ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

# САНОАТ СОҲАСИДАГИ ЭНГ ИЛҒОР ЮТУҚЛАР

пойтахтимизда бошланган ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаларда кенг намойиш қилинмоқда



САЛОҲИЯТ

Глобал молиявий инқирознинг салбий оқибатлари дунё иқтисодиётига ҳали-ҳамон ўз таъсирини кўрсатаётган ҳозирги мураккаб бир шароитда республикамизда барча соҳада изчил ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,7 миллиард АҚШ долларилик 100 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилгани, 835 та корхона экспорт фаолиятига жалб қилингани бунга яққол мисолдир.

Шу билан бирга, саноатни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, айниқса, 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳада энергия сарфини қисқартириш, йирик корхоналарга энергия тежамкор технологияларни самарали татбиқ этиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларда тайёрланаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 9,4 фоиз арзонлаштиришга эришилди.

(Давоми 3-бетда).

**4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ**

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хатамжон Кетмоновнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳақида материал чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

## Сайлов кампанияси очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашнинг муҳим шарти

Бугунги ахборот асрида миллионлаб фуқаролар қатнашадиган сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситалари иштирокисиз тасаввур қилиш мушкул. Зеро, айнан ОАВ сайлов жараёнининг очиқлиги ва транспарентлигини таъминлайди, номзодлар ҳамда сиёсий партияларнинг сайловчилар билан бевосита мулоқотини амалга оширишда муҳим восита вазифасини ўтайди. Фуқаролар сайлов кампанияси бошланганини, ушбу сиёсий тадбир иштирокчилари фаолияти ҳақида, аввало, газета, телевидение ва радиодан, шунингдек, интернет нашрлари орқали хабар топади.

Оммавий ахборот воситалари саъй-ҳаракатлари туфайли сайловга оид ҳуқуқий, ташкилий, моддий-техник масалаларни ҳал қилишга давлат органлари ҳамда жамоатчиликнинг эътибори қаратилмоқда, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш зарурлиги тушунтирилиб, демократик ривожланган давлат учун ҳокимиятнинг конституциявий алмашинуви принципи аҳамияти катта эканлиги теран англаб етилишига эришилаяпти.

(Давоми 3-бетда).

**САЙЛОВ — 2016**

## Сарвар Отамуратовнинг Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашуви 16 ноябрь куни бўлиб ўтди.***

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари сайловчилари билан видеоконференция шаклида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар, ёшлар, маҳалла фаоллари, партия аъзолари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

Тадбирни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси депутатлик гуруҳи раҳбари С. Турсунов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Б. Худойқулов йиғилганларни Сарвар Отамуратовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида сўзлаб берди. Жумладан, у дастури орқали миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар илгари сурилаётганини қайд этди.

Сарвар Отамуратов сайловчилар эътиборини ижтимоий соҳада белгиланган вазифаларга қаратди. Номзод таъкидлаганидек, бугун жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Сайёрамизда аҳоли сони жадал кўпайиб бораётган бир пайтда, айрим давлатларда озиқ-овқат таъминотида ўта танқислик кузатилаётгани ижтимоий ва сиёсий муаммоларни юзага келтираяпти. Шундан келиб чиқиб, дастурда аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришга оид аниқ чора-тадбирлар белгилангани айтиб ўтилди.

Учрашувда хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган моддий бойликларни Ўзбекистонга қайтариш, оила, мерос, уй-жой даъвоси ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, тарихий шаҳарлар ва очиқ осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, номзод маҳалланинг ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларининг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш зарурлигига тўхталиб ўтди.

Денов туманидаги 67-санаторий мактаб-интернати директори Р. Саломова, бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони Ф. Қосимов ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, улар сайловчиларни Президентликка номзод Сарвар Отамуратовга овоз беришга чорладилар.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.***

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили И. Аброров очди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида мамлакатимизнинг барча ҳудуди қатори Қашқадарё вилояти ҳам изчил тараққий этмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10 триллион 630 миллиард сўмдан зиёдни, ўсиш суръати 6,5 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 62,3 фоизга етди.

Мамлакатимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг 11,2 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келаётир. Бу янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиши, иш ўринлари кўпайиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда даромадининг янада ошишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз Сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда мамлакатимизда ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли билан самарали ҳамкорлик механизмларини кенг қўллаш, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш, иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестициявий фаолликни кучайтиришга доир стратегик мақсадлар ўз ифодасини топган. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аввало, қишлоқ аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш, халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш, мамлакатимиздаги тинчлик-барқарорликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтказилди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари марказларидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

“Нуроний” жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Я. Иноятов, Қарши шаҳридаги “Хонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р. Зоҳиров, Қарши шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси О. Елисеева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Д. Раҳимова, Ф. Абдуллаев, Т. Бекназаров, “Нуроний” жамғармаси Нишон тумани бўлими раиси Ҳ. Махсимов, Косон туманидаги 94-умумтаълим мактабининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси И. Шомуродова ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш ҳамда халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлашди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**ЎзА.**

## Хатамжон Кетмоновнинг Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашуви

***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 16 ноябрь куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.***

Партия аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ф. Умаров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Р. Казимова йиғилганларни Хатамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Номзод жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган қадимий гўша — Бухоронинг мамлакатимиз ривожида алоҳида ўрни борлигини, бу табаррук заминда буюк алломалар етишиб чиққанини, мустақиллик йилларида мазкур воҳа тараққиётнинг янги босқичига кўтарилганини алоҳида таъкидлади. Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзоднинг фикрича, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар бир инсон учун муносиб иш ҳақи тайинлаш, қўшимча барқарор иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар бериш ва уларни рағбатлантириш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Давлатнинг ўсиб бораётган имкониятларидан аҳоли барча қатлами, энг аввало, кам таъминланган фуқаролар турмуш даражасини яхшилашда фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Хатамжон Кетмонов ўз дастурида аҳоли учун юқори сифатли таълим олиш ва тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилганини айтиб ўтди. Бунда жамиятнинг турли қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш устувор вазифа саналади. Ҳудудлардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини барпо этиш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, олий ўқув юртларига мақсадли қабул қилиш тизимини оқилона йўлга қўйишни рағбатлантириш таклифларини ўртага ташлади.

У, шунингдек, иқтисодий жабҳадаги вазифалар ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб, йиғилганлар эътиборини қурилиш соҳасини жаҳон андозалари даражасига кўтариш масаласига қаратди. Номзоднинг фикрича, миллий қурилиш саноати ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топиши, мамлакатимиз иқтисодиётига катта даромад келтириши мақсадга мувофиқдир.

Онлайн видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувда халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати О. Қудратов, Бухоро давлат университети магистранти Ш. Бобожонов, Вобкент тумани “Баркамол авлод” болалар маркази директори Р. Ҳайитова ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг Сайловолди дастурига муносабат билдиришди. Айни чоғда сайловчиларни 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбирда фаол қатнашишга ҳамда Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Наримон Умаровнинг Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашуви

***16 ноябрь куни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Видеоконференция тарзида ташкил этилган учрашувни Булунғур миллий ҳунармандчилик коллежи директори Н. Мамадиёрова очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М. Бобобекова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзод Самарқанд нафақат ўзининг буюк ўтмиши ва бетакрор ёдгорликлари билан, балки бугунги салоҳияти, меҳнаткаш ҳамда меҳмондўст халқи билан дунёга донг таратаётганлигини эътироф этди.

Мустақиллик йилларида вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳамда чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши натижасида бугунги кунда Самарқандда автомобилсозлик, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа тармоқлар изчил тараққий этмоқда.

Номзод Сайловолди дастурининг асосий йўналишларига тўхталиб, унда илгари сурилган ғоялар “Адолат” социал-демократик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ҳамда ахлоқий етук адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланганини таъкидлади. Хусусан, иқтисодиёт соҳасида энергия сарфини камайтиришни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни кенг жорий этиш, мавжуд муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатдош энергия бозори яратилишини қўллаб-қувватлаш белгиланган.

Шунингдек, Наримон Умаров жамият ривожида хотин-қизларнинг иштироки масаласига алоҳида тўхталиб, юртимизда аёлларни эъзозлаш — миллатга, юртга, келажак авлодимизга эҳтиром кўрсатишнинг бош мезонига айланганини таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги ислоҳотларни босқичма-босқич ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Мазкур йўналишда хотин-қизларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорида уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ва юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятли аёлларни давлат бошқаруви органларига кенг жалб қилиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш. Полвонов, Самарқанд вилояти ҳудудий давлат экспертиза бошқармаси бошлиғи С. Боқиев, Самарқанд давлат чет тиллари институти ҳуқуқшуноси М. Аслиев, Каттақўрғон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ҳ. Абдуллаева ва бошқалар номзоднинг Сайловолди дастури ҳақида фикр билдиришди. Ўз навбатида, улар сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этишга ҳамда Президентликка номзод Наримон Умаровга овоз беришга чақирди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР — ЭРКИН МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

4 декабрда бўлиб ўтадиган Президент сайлови муносабати билан Ўзбекистон ХДП тизимида ташкил қилинган марказий ва минтақавий сайлов штаблари самарали фаолият олиб бормоқда.

Партиядан кўрсатилган номзод ва унинг жойлардаги ишончли вакиллари томонидан сайловчилар билан учрашувлар қизғин паллага кирди. Ана шу тадбирлар штаблар томонидан мунтазам таҳлил қилиб борилаяпти.

Жумладан, бугунги кунга қадар Хатамжон Кетмонов 11 марта учрашув ўтказди. Уларда 30 мингга яқин сайловчилар иштирок этди. Номзоднинг ишончли вакиллари томонидан эса 30 га яқин учрашувлар ташкил қилиниб, уларда 5 мингга яқин сайловчилар қамраб олинди.





## Энг кўп берилаётган саволлар

*Учрашувларда номзодга 200 дан ортиқ саволлар билан мурожаат қилинди. Партия Марказий сайлов штаби томонидан ҳар бир мурожаат чуқур таҳлил этилиб, энг кўп берилган саволлар йўналишлари аниқланди. Булар:*

**1.** Ёшлар, авваламбор, таълим муассасалари битирувчилари мустақил равишда иш бошлашлари учун қонунчиликка киритилиши кўзда тутилаётган ўзгаришларга доир;

**2.** Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг сифатли уй-жой, ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлик даражасини ошириш йўналишида олиб бориш кўзда тутилаётган вазифалар хусусида;

**3.** Давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш бўйича белгиланган вазифалар ҳақида;

**4.** Аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш борасида қандай аниқ таклифлар илгари сурилаётгани тўғрисида.

## Номзод дастурининг сайловчиларга энг кўп манзур бўлаётган йўналишлари

*Учрашувларда сайловчилар томонидан берилган саволлар ҳамда сўзга чиқувчилар фикрлари умумий таҳлил қилиниб, номзод дастурининг сайловчиларга энг кўп манзур бўлган йўналишлари аниқланди. Улар:*

✓ кичик бизнес, уй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш. Меҳнат қонунчилигида аёлларга берилган ҳуқуқ ва қўшимча имтиёзлардан кенг фойдаланиш учун янада мақбул шароитларни яратиш;

✓ тижорат банкларининг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, фоиз ставкаларини минимал даражада белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш;

✓ кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, ўз бизнесини ташкил этиши учун мақсадли фойдаланиш шарти билан, тегишли даврда тўланадиган маблағлар суммасини бир марталик тўлов шаклига ўтказиш механизмини жорий этиш;

✓ аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида яшайдиган фуқароларнинг бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш;

✓ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда катта қизиқишга сабаб бўладиган масалалар бўйича қарорларни қабул қилишдан аввал ушбу масалалар юзасидан жамоатчилик маслаҳатлашувларини ўтказишнинг мажбурийлигини белгилаш;

✓ минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташаббусларни илгари суриш.

## Сайловчилар номзод ва унинг Сайловолди дастури ҳақида

*Айни пайтгача ўтказилган 11 учрашувда номзод ва унинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 нафарга яқин сайловчилар сўзга чиқди.*

**Муқаддасхон РАҲМАТИЛЛАЕВА, Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиника бош шифокори:**

— Инсон ҳаёти учун зарур соҳалардан бири — соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ҳамда жамият ҳаётини ҳар томонлама ривожлантириш, юртимизда ҳар бир инсон ва оила учун фаровон турмуш шароитларини яратишда фаол иштирок этиш, шу орқали ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича доим ўзининг аниқ мақсадлари ҳамда ғояларига эга бўлган сиёсий кучдир. Партиямиздан кўрсатилган номзоднинг Сайловолди дастурида ҳам мана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.




Мен, шифокор сифатида, аввало, номзоднинг дастурида илгари сурилаётган аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масалаларига эътибор қаратишингизни хоҳлардим. Номзод томонидан аҳолининг, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш, имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назорат самарадорлигини ошириш борасида билдирган таклифини жуда ўринли, деб ҳисоблайман.

Сабаби, биринчи тиббий ёрдамдан барча қулай ва тезкор фойдаланиши, ушбу хизматнинг мақбуллигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, одамларнинг тиббий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш талаб этилади.

Шунингдек, фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори-дармон воситалари нархи устидан назоратни кучайтириш ҳамда дори воситалари рекламасини чеклаш таклифи ҳам жуда ўринли ва ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан саналади.

Қисқача айтганда, Хатамжон Кетмоновнинг Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифалар бугунги кунда жуда долзарбдир. Уларни ҳаётга татбиқ қилиш орқали биз тиббиёт соҳасини янги босқичга олиб чиқишга эришамиз, деб ўйлайман.

Шу боис мен номзоднинг Сайловолди дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Жорий йил 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этасиз ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Хатамжон Кетмоновга овоз берасиз, деб умид қиламан.

**Аҳмадали ҲАКИМОВ, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилояти кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири:**

— Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизда ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти ва равнақи, ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олиши бевосита ёшларимиз, тенгдошларимизга боғлиқдир.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар Хатамжон Кетмоновнинг Сайловолди дастурида кенг ўрин олган. Хусусан, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ҳамда ижтимоий оммабоп шароитларни яратиш масаласини номзодимиз энг муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Номзоднинг Сайловолди дастурида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш, корхона ҳамда ташкилотларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, техник ва технологик мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларига мақсадли қабул қилиш масаласини рағбатлантириш, шунингдек, соҳа ўқитувчиларига имтиёзлар бериш, жисмоний имконияти чекланган (ногирон) талабаларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш каби долзарб масалалар назарда тутилган.

Шу ўринда номзоднинг Сайловолди дастурида ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш масаласи муҳим вазифа сифатида белгилаб олинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ушбу вазифанинг амалга оширилиши билан жисмоний имконияти чекланган болалар сифатли таълим олиши, жамиятда муносиб ўрин топиши, пировардида юртимиз равнақига ҳисса қўшишларига шароит яратилади.

Бундан ташқари, номзоднинг дастуридан педагогик маълумотга эга, лекин бола тарбияси билан машғул бўлгани боис вақтинча ишламаётган аёлларнинг оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатидаги уй меҳнатини ташкил этиш, бу борада қонуний асосларни яратишдек яна бир долзарб масала ўрин олган. Бу таклиф орқали номзод бола тарбиясида бўлган аёлларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш масаласининг ечимини кўрсатиб бермоқда.

Партиямиз мамлакатда ҳаётга татбиқ қилинаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, қабул қилинаётган бандлик дастурларининг тўлақонли ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ёшларимизнинг муносиб иш ўринларига эга бўлишлари, бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга эришишни мақсад қилган.

Номзод учун энг устувор йўналишлардан яна бири битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласидир. Шу боис Хатамжон Кетмоновнинг дастурида мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, замон талаблари асосида мутахассислар тайёрлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби қатор масалалар илгари сурилган. Ушбу таклифлар ниҳоятда долзарб экани асосли равишда кун тартибига қўйилаётганини эътироф этмоқчиман.

Менга берилган ушбу имкониятдан фойдаланган ҳолда, барча ёш сайловчиларни Президент сайловида фаол иштирок этишга ҳамда партиямиздан кўрсатилган номзод — Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақираман!

**Барно СОЛИЕВА, Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири:**

— Хатамжон Кетмоновнинг дастуридан ўрин олган кам таъминланган оилаларнинг манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини янада ошириш борасидаги таклифларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Номзод дастурининг асосий йўналишларидан яна бири ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга, уларнинг меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ташаббускорлигини рағбатлантиришга йўналтиришдан иборатдир.

Бунда нафақалар ҳамда моддий ёрдамни, асосан, кам таъминланган оилалар, моддий ёрдамга муҳтож кексалар ва болаларга йўналтириш, ижтимоий адолат, меҳр-оқибат, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида маҳалланинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ролини ошириб бориш чора-тадбирларини кўриш, ўз бизнесини ташкил этишга интилувчи фуқароларга имтиёзли кредитлар ҳамда фоизсиз ссудалар ажратиш амалиётини янада ривожлантиришдек долзарб ҳаётий масалаларга алоҳида урғу берилган.

Шунингдек, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, ўз бизнесини ташкил этиши учун мақсадли фойдаланиш шарти билан, тегишли даврда тўланадиган маблағлар суммасини бир марталик тўлов шаклига ўтказиш механизмини жорий этиш, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат ҳамда жамоатчилик назорати самарадорлигини янада ошириш, шу орқали нархлар ва тарифларнинг ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, дастурда мамлакатимизда уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмини тураржой фондини шакллантиришга йўналтириш механизмини такомиллаштириш ҳамда табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар (газ, электр, иссиқлик таъминоти, канализация, маиший чиқиндилар ва ҳ.к.) нархлари ҳамда тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини янада кучайтириш, шулар орқали аҳолининг турмуш даражасини кўтариш масалалари ўрин олган.

Бу таклиф ва ташаббусларнинг барчаси аҳолининг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

Шунингдек, бизнинг номзод бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағлар мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлашишга имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар имкониятларини кенгайтириш, давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш таклифларини илгари сурмоқда.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ХДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлайман.

Барчангизни Президент сайловида Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақираман.

## Депутатлар фикри

**Аҳад АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси:**

*— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЎзХДПдан кўрсатилган номзод Хатамжон Кетмоновнинг Сайловолди дастури, ҳақиқатан ҳам, бир қатор муҳим ижтимоий масалаларни ўз ичига олгани билан аҳамиятлидир. Айни шу жиҳат кўпчилик сайловчилар қизиқиши ва эътиборини ўзига тортмоқда. Буни партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларига келиб тушаётган мурожаат ва саволлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.*

*Жумладан, аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар тарифларининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш масаласи бўйича кўплаб саволлар, мурожаатлар келмоқда. Демак, ушбу масала ўз вақтида кўтарилган ва унинг ечими юртдошларимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир.*

**Саттор РАҲМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси:**

*— Энг аввало, шуни айтишим керакки, Хатамжон Кетмоновнинг сайловолди учрашувлари самимий руҳда, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтмоқда. Бунга ўзим гувоҳ бўлдим.*

*Номзод дастуридаги кичик бизнес, уй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш таклифи сайловчилар томонидан фаол қўллаб-қувватланаяпти.*

*Сайловчилар билан бўладиган учрашувлар, давра суҳбатларида ўзимизга ҳам айни масалада кўплаб мурожаатлар бўлади. Уй меҳнати ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш аҳоли бандлигини самарали таъминлаш имконини беради. Бу — ҳаётий ҳақиқат.*

*Шундай экан, мазкур масала олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади ҳамда Хатамжон Кетмоновнинг Сайловолди дастури ҳаётий масалаларни ўзида акс эттирганидан далолат беради.*

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида фаолият юритаётган штаблар ўтказилаётган учрашувларни мунтазам таҳлил қилиш, аниқланаётган айрим камчилик ва муаммоларни кечиктирмасдан бартараф этиш, ҳар томонлама пухта чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, партиянинг сайловдаги фаол ва муносиб иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳурматли сайловчилар, Ўзбекистон ХДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновга овоз беринг!

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати.**

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хатамжон Кетмоновга овоз беринг!

# Сайлов кампанияси очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашнинг муҳим шарти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эркин ва адолатли сайловлар фуқароларнинг муайян шароитларда ўз овозини бериш имкониятига эга бўлишидангина иборат эмас. Сиёсий жараёнда партиялар, номзодлар сайловолди дастурларининг ўзига хос жиҳатлари, қолаверса, айнан сайлов жараёни ҳақида тўлиқ ва холис ахборот олиш имконияти таъминланиши керак. Шундагина сайловчи етарли даражада ахборот билан "қуролланган" ҳолда онгли овоз бериши мумкин.

Бугунги кунда матбуот, телевидение, радио сайловга тайёргарлик кўриш жараёнини қонунчиликда белгиланган тамойиллар ва муддатларда кенг ҳамда изчил ёритиб бормоқда. Бунда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётир. Бинобарин, сайлов кампанияси даврида барча давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши, уларнинг сайлов жараёнини холис ёритиш бўйича мажбуриятларига риоя қилиши, ҳаққоний ва ишончли ахборотни тарқатиши сайловчиларга ўз нуқтаи назарини мустақил белгилаб олишига ёрдам беради.

Оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятида, авваламбор, цензурани тақиқлаш, ОАВ эркинлиги тўғрисидаги конституциявий қоидаларга, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини ҳамда ахборот ва сўз эркинлиги соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга оид қонунларга таянади.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситаларининг сиёсий жараёндаги вазифа ва ваколатларини ҳуқуқий тартибга солиш алоҳида ўрин тутади. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунда сайлов иштирокчиларининг сайловга тайёргарлик кўриш бўйича фаолияти устидан журналистлар томонидан жамоатчилик назоратини амалда рўёбга чиқариш учун 10 дан ортиқ аниқ нормалар кўзда тутилган.

Қонунга мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ҳамда овозларни санаб чиқишда матбуот, телевидение ва радио вакиллари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу қоида сайлов ҳуқуқи соҳасидаги халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши инсонийлик мезони бўйича конференцияси Копенгаген ҳужжати 7-бандида универсал сайлов стандартларига қўшимча тарзда белгиланганки, қонун ва давлат сайловларнинг эркин ҳамда ҳалол ўтказилишини, сайлов жараёнида иштирок этувчи барча сиёсий партия ва номзодларга оммавий ахборот воситаларидан тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак.

Шуни ҳам унутмаслик кераккки, сўз эркинлигини таъминлаш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлиши керак. Давлат оммавий ахборот воситалари сиёсий тадбирни адолатли ёритишни кафолатлайдиган муҳим омил бўлиб, ОАВдан фойдаланишда тенглик таъминланиши жуда муҳимдир. Масалан, МДҲ аъзо-давлатларида демократик сайлов, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги конвенция (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь)да сайловларнинг адолатлилигини таъминлаш учун, биринчи галда, ҳар бир номзодга ёки сиёсий партияга оммавий ахборот воситаларидан ва телекоммуникациялардан фойдаланишда тенг имкониятлар яратиб берилиши кераклиги аниқ белгилаб қўйилган.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга биноан, сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

2002 йилда Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловларга нисбатан раҳбарий принципларнинг 10-бандига мувофиқ, барча партия ва номзодларга тенг имкониятлар кафолатланган бўлиши керак, давлат эса уларга нисбатан холис бўлиши ҳамда қонунчиликнинг барчага нисбатан бир хилда қўлланилишини таъминлаши талаб қилинади. Шундай қилиб, сайлов жараёнининг бориши ва сайлов кампаниясини ёритишда оммавий ахборот воситалари, айниқса, давлат ОАВ бетараф бўлиши зарур.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 4 декабрь куни бўладиган сайлов кампаниясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловолди дастурларининг асосий қоидаларини сайловчилар эътиборига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston" ва "Yoshlar" телерадиоканалларида 638 дақиқадан, 12 та маҳаллий телерадиоканалида 206 дақиқадан, "Тошкент" телерадиоканалида 286 дақиқадан эфир вақти ажратилган.

Номзодларга республикамизнинг бош нашрлари — "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталарида нашр майдонининг 6 саҳифасидан, шунингдек, "Овози тожик" ва "Нурлы жол" газеталарида нашр майдонининг 5 саҳифасидан, 30 та маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул берилди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланганидек, сайлов кампанияси даврида номзодларга очиқлик ва ошкоралик муҳитини яратишда, уларнинг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ахборотни тенглик ҳамда холислик тамойиллари асосида тезкор тарқатишда кўмак бериш талаб қилинади. Ахборот дастурлари ва бошқа ахборот материалларида номзодларнинг сайловолди фаолиятини ёритиб боришда оммавий ахборот воситалари тенг шароитлар яратиб бериши, шу жумладан, дастурнинг давомийлиги ва ҳажми бўйича тенг шароитлар яратиши, материалларни эфирга узатиш ҳамда чоп этишда уларнинг кўпроқ биргаликда берилишига эришиш керак.

Марказий сайлов комиссияси етакчи оммавий ахборот воситалари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича икки томонлама шартномалар имзолади. Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида сайлов комиссиялари фаолиятини изчил ёритиш, номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳамда кенг имкониятлар яратиш таъминланаяпти.

Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, Сайловларга нисбатан раҳбарий принциплар сайлов комиссияларига қатор талабларни қўяди. Хусусан, сайлов кампанияси бошланганидан овоз бериш натижалари эълон қилингунига қадар бўлган жараённи қонунда белгиланган тартибда бошқаришга шаффофлик, холислик ва мустақил тамойиллари асосида сиёсий мойилликдан холи бўлган ҳолда эришиш мумкин бўлади. Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, бугунги кунга қадар мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакиллари аккредитациядан ўтказилди. Улар Марказий сайлов комиссиясининг барча тадбирида мунтазам қатнашиб келаяпти.

Амалиётда оммавий ахборот воситалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, сайловга тайёргарлик жараёнини қонунчиликда кўзда тутилганидан кўра кўпроқ ёритиб бормоқда. Улар сайлов ташкилотчилари, яъни сайлов комиссиялари қарорлари ва фаолиятини диққат билан кузатиб бораяпти, кенг жамоатчиликни хабардор этмоқда, таҳлилий материаллар эълон қилинаётир, сайлов жараёни ва қонунчилигини тушунтираяпти.

Шуни қайд этиш кераккки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси халқаро ахборот маконида ҳам кенг ёритилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёни ҳақида "РИА Новости", "NewsTes" ва "Sputnik" (Россия) ахборот агентликлари, немис тилидаги "Duesseldorfer Blatt" портали, "Fair News", "ReiseTravel" нашрлари, "China Daily" газетаси, "The Paper (Pengpai News)" Шанхай халқаро матбуот бюроси, Эроннинг инглиз тилидаги "Tehran Times" газетаси, араб тилидаги "Асия ал-Явм" ("Осиё бугун") ахборот портали ва бошқа етакчи оммавий ахборот воситалари мунтазам материаллар бериб бормоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, мамлакатимиздаги сайлов кампанияси ҳақида дунёнинг босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида 2 мингдан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда сайлов кампаниясини ёритишда холислик кафолатларини таъминлаш, сиёсий партиялар ва номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда турли ҳуқуқий ёки маъмурий чекловларнинг олдини олиш, Президент сайловида янги ахборот технологияларини қўллаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилган. Бу саъй-ҳаракатлар, аввало, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг очиқ ҳамда ошкоралигини таъминлайди, жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичи ҳақида хабардор қилади. Ўз навбатида, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни кафолатлайди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади. Шу билан бирга, фуқароларнинг сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, номзодларнинг сайловолди дастурлари, умуман, сайлов жараёни мазмун-моҳияти ҳақида батафсил ахборот олишини таъминлайди.

**Акмал БУРҲОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Атроф-муҳит муҳофазаси ва ахборот-коммуникация технологиялари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёнида АКТни ривожлантиришни жадаллаштиришга, шунингдек, улардан самарали ҳамда кенг фойдаланишга доир қатор қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги, "Радиочастота спектри тўғрисида"ги ҳамда бошқа қонунлардан кенг фойдаланилаётгани бунинг амалий ифодасидир.

Тадбир иштирокчилари ҳозирги шароитда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича муҳим давлат дастурларини бажариш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, экотизимларнинг барқарорлигини кафолатлаш ҳамда қулай яшаш муҳитини шакллантириш учун замонавий техник воситалардан кенг фойдаланилаётганини эътироф этишди.

Қайд қилинганидек, геоахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ҳудудни турли зоналарга ажратиш, тупроқ, иқлим, биологик хилма-хиллик, демографик ҳолат ва шу каби бошқа маълумотларни йиғиш ҳамда электрон шаклга ўгириш табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлигини оширади. геоахборот тизимларини қўллашнинг яна бир кенг тарқалган соҳаси бу — атроф-муҳитнинг ҳолатига тегишли асосий кўрсаткичларни ўзида акс эттирувчи хариталарни яратишдан иборат бўлиб, бундай хариталардан флора ҳамда фауна элементлари деградациясининг кўлами ва тезлигини аниқлаш учун фойдаланиш мумкинлиги иштирокчилар диққат-марказида бўлди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасини юқори малакали ходимлар ҳамда илғор технологик ускуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигига ҳам урғу берилди. Айни чоғда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини муваффақиятли ҳал этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитга бўладиган салбий таъсирларнинг олдини олиш учун табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқариш, қолаверса, табиатдан фойдаланишни тартибга солишда замонавий АКТни кенг жорий этиш ҳамда ривожлантириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Давра суҳбати якунида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида замонавий АКТдан фойдаланиш жараёнини жадаллаштиришнинг истиқболдаги йўналишлари кўриб чиқилиб, ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва мазкур тизимда ҳуқуқни қўллашни тартибга солишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида Наманган шаҳрида 25 та спорт иншооти фойдаланишга топширилди. Эндиликда улар қаторига вилоят марказидаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун бунёд этилган янги мажмуа ҳам қўшилди.

# Янги спорт мажмуаси

Бу ерда ўғил-қизларнинг жисмоний етуклик машғулотлари билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Жумладан, бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, бадминтон, кураш, ўзбек жанг санъати, каратэ-до, таэквондо ITF сингари ўнга яқин спорт турларига мўлжалланган зал ва майдонлар бир вақтнинг ўзида 360 нафар ўқувчига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, мажмуадан ювиниш ҳамда кийиниш, услубият, ўқув-амалиёт, маънавият ва маърифат хоналари ҳам ўрин олган. Куни кеча ёшлар ихтиёрига топширилган мазкур иншоот қурилиши ҳамда жиҳозлаш ишларига жамғарманинг 3 миллиард 300 миллион сўм миқдоридаги маблағи йўналтирилди.

Айтиш лозимки, шаҳардаги бундай муассасаларда айни пайтда 28 мингдан зиёд ўғил-қизлар спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Маҳорат сабоқларини муваффақиятли ўзлаштираётган ана шу ёшлар ўтган йилнинг ўзида халқаро турнирларда 139 та, мамлакат миқёсидаги мусобақаларда 396 та олтин медални қўлга киритди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САНОАТ СОҲАСИДАГИ ЭНГ ИЛҒОР ЮТУҚЛАР

## пойтахтимизда бошланган ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаларда кенг намойиш қилинмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Юртимиздаги бу каби юксалиш ва ўзгаришлар, иқтисодий барқарорлик, табиийки, хорижлик мутахассислар, сармоядорлар, саноат вакиллари, умуман, дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш, ҳайрат ҳамда ҳавас уйғотаяпти. Бинобарин, кеча "Ўзэкспомарказ" мажмуасида иш бошлаган "Тоғ-кон иши — MiningWord Uzbekistan — 2016", "Металлургия. Машинасозлик. Дастгоҳсозлик — Machinery Central Asia — 2016", "Транспорт ва логистика — TransUzbekistan — 2016" халқаро кўргазмаларида маҳаллий ҳамда хорижлик саноатчиларнинг ҳар қачонгидан фаол қатнашаётгани шундан далолат беради.

Халқаро кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Ўзбекистонда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик нафақат иқтисодиёт тармоқларида юқори ўсиш суръатлари таъминланишига, балки аҳоли турмуш даражаси ва сифати тобора яхшиланишига хизмат қилаётир. Мазкур кўргазмалар эса иштирокчиларга ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун кенг имконият яратади. Чунки унда етакчи ишлаб чиқарувчилар билан тажриба алмашиш баробарида, янги технологик ечим ҳамда лойиҳаларни кўздан кечириш, юк ташиш, техник ва сервис хизмати кўрсатувчи илғор корхоналар ёки замонавий асбоб-ускуналар етказиб берувчи саноат субъектлари вакиллари билан келишувларга эришиш мумкин.

Галдаги халқаро тадбирларда юртимиз вакиллари билан бир қаторда Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, Латвия, Литва, Польша, Россия, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Словакия, АҚШ, Чехия, Финляндия, Франция, Швейцария, Швеция, Эстония, Жанубий Корея, Япония каби 25 мамлакатнинг 110 компания ва фирмалари қатнашмоқда. Хусусан, ўн биринчи бор ўтказилаётган "Тоғ-кон иши — MiningWord Uzbekistan — 2016" халқаро кўргазмасида доимий иштирокчилар қаторида илк бор ташриф буюрганлар ҳам талайгина. Масалан, биринчи марта қатнашаётганлар — Қозоғистонннинг "Karlskrona LC. AB" ва "Алфа-Суйфети" корхоналари ўзларининг сувга чидамли насослари, клапанлари ҳамда хавфсизликни таъминловчи ускуналарини келтирган бўлса, Германиянинг "Haver Niagara" компанияси минерал хом ашёни бойитиш дастгоҳларини тақдим этмоқда. Умуман, кўргазмадаги тоғ-кон, майдалаш-тақсимлаш, бурғилаш, бойитиш ускуналари ҳамда бошқа қурилмалар замонавийлиги ва тежамкорлиги билан алоҳида эътиборга молик.

— Жорий йилги тадбирда биз ҳам энергия тежамкор ускуналаримизни келтирганмиз, — дейди "Навоий машинасозлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси иқтисодчиси Дилмурод Рўзиев. — Шулардан бири — Маҳаллийлаштириш дастури доирасида тайёрланган рақамли дастур асосида бошқарилувчи универсал токарлик ускунаси бўлиб, афзал жиҳатлари кўп. Унинг автоматик усулда созланиши ўлчамларни олишда ўта аниқликни таминлашга хизмат қилади.

Корхонамиз юртимиз тоғ-кон, металлургия саноати ва бошқа тармоқларга асбоб-ускуналар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмларини етказиб берувчи йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Ушбу халқаро кўргазма эса янги ҳамкорлар топиш, ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришимизда қўл келишига ишонамиз.

Бундай ишчанлик муҳитини тўққизинчи маротаба ташкил қилинган "Металлургия. Машинасозлик. Дастгоҳсозлик — Machinery Central Asia — 2016" ҳамда ўн учинчи бор уюштирилган "Транспорт ва логистика — TransUzbekistan — 2016" халқаро кўргазмаларида ҳам кузатиш мумкин. Зеро, уларда намойиш этилаётган маҳсулот ҳамда таклиф қилинаётган хизматлар турфа хил.

— Доимо юқори савияда ташкил этиладиган мазкур тадбирда бир неча бор қатнашиб, юртингиз ишбилармонлари билан юкларни ташиш ва етказиб бериш борасида ҳамкорлик қилишга муваффақ бўлганмиз, — дейди Литванинг "Arijus" компанияси маркетинг ҳамда ривожланиш бўйича директори Эгидиос Рамонос. — Ўйлайманки, галдаги кўргазмада ҳам истиқболли ва манфаатли келишувларга эришамиз.

Халқаро кўргазмалар доирасида, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси қаттиқ фойдали қазилмаларининг инвестициявий салоҳияти — Ўзгеоинвест — 2106" IX халқаро конференцияси ҳам бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси, "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон халқаро экспедиторлари, Ўзбекистон халқаро автомобилда юк ташувчилар, Божхона брокерлари уюшмалари, Савдо-саноат палатаси ҳамда "ITE Uzbekistan" компанияси томонидан ташкил қилинган мазкур халқаро кўргазмалар жорий йилнинг 18 ноябрига қадар давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

ЭЪЛОНЛАР

## «REAL ESTATE BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар суд ижрочилари бўлимининг 2016 йил 11 ноябрдаги 132/01-06-сонли хатига мувофиқ, Бухоро вилояти хўжалик судининг 2015 йил 24 декабрдаги 20-1504/7242-сонли ижро варақасига асосан ундирувга қаратилган, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 750,31 кв. м. бўлган кафе-бар биноси (олтита омборхона ва ёрдамчи хоналар) такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 296 321 828 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 9 декабрь куни соат 16.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават, 407-хонада бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртманомалар 2016 йил 7 декабрга қадар иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Талабгорлар аукцион савдоси ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ваколатли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этишлари лозим.

Аукцион савдоси ғолибига 5 (беш) банк куни мобайнида сотиб олинган мулк қийматини 100 фоиз тўлаш мажбурияти юклатилади.

Закалат пули тўлови учун реквизитлар: «Real estate business» МЧЖ, «Агробанк» АТБ Бухоро ҳудудий филиали ҳ/р: 20208000200485440001, МФО: 00089, СТИР: 303391629, ОКОНХ: 83200.

**Аукцион савдоси ташкилотчиси — «Real estate business» МЧЖ.**
**Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 14-уй.**
**www.rieltor-buxara.uz**
**Электрон почта: muxabbatka@.list.ru**
**Телефонлар: (0-365) 221-59-55, (+99893) 383-00-17.**

1733А/732

Хизматлар лицензияланган.

## «AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**2016 йил 22 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

Юнусобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 2 сентябрдаги 10-1117/9934-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 151 DCA бўлган, «Lacetti» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 42 858 000 сўм.**

Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2006 йил 24 январдаги 796-807/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, техник носоз бўлган:

* 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 F 4690 бўлган, «Tico» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 16 527 147,12 сўм.**

* 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 F 3807 бўлган, «Tico» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 14 461 253,73 сўм.**

* 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Y 9656 бўлган, «Tico» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 15 419 362,50 сўм.**

* 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 L 0110 бўлган, «Nexia» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 25 052 594,49 сўм.**

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 20 декабрь куни соат 16.00.

Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Auto garant business» МЧЖнинг «Asia alliance bank» АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион савдоси ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 (беш) банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

1734А/370

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 233-61-44, (+99895) 146-61-44. www.agb.uz**

Гувоҳнома № 004593.

# Бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик — тараққиёт мезони

Мамлакатимизда фуқароларнинг виждон ва диний эркинлиги, конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ҳамда динлараро дўстлик, ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлашга устувор эътибор берилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, тегишли қонунлар виждон эркинлигини таъминлашга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча талабига мос келиши билан бирга, ушбу ҳуқуқларни рўёбга чиқаришнинг тамойил ва тартибларини белгилаб берган.

**АНЖУМАН**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда динлар тарихи фан даражасида ўрганилмоқда. Республикамизда кўплаб янги масжидлар, черковлар ва ибодат уйлари қурилди, мавжудлари қайта таъмирланди. Фуқаролар ўз эътиқодлари билан боғлиқ барча ибодат ҳамда маросимларни эмин-эркин бажариб, диний байрамларни кенг кўламда нишонлаб келмоқдалар.

Маълумки, Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда азалдан ўзига хос маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, турли динларга эътиқод қилувчи ва бири-бирига ўхшамаган халқлар, миллатлар яшайди. Қадим замонлардан юртимизда зардуштийлик, буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик каби динлар мавжуд бўлган. Мамлакатимизда VIII асрдан буён ислом дини маҳаллий халқларнинг ахлоқ ғоялари, ҳуқуқий меъёрлари ва урф-одатлари билан уйғунлашиб кетган.

Ўзбекистонда ушбу тарихий анъанага содиқ қолган ҳолда турли динларга мансуб қадриятлар асраб-авайланмоқда.

Бу ҳақда кеча Тошкент ислом университетида 16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб ўтказилган “Конфессияларaро мулоқот ва диний бағрикенглик — барқарорлик гарови” мавзуидаги илмий-амалий анжуманда таъкидлаб ўтилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган турли диний конфессиялар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Анжуманда маҳаллий ва хорижий мутахассислар мамлакатимизда дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динга бир хил муносабат, жамият тараққиётида эса динлар билан ҳамкорлик қилиш сиёсати фуқароларнинг диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тенг иштироки тамойили асосида амалга оширилаётганлигини эътироф этдилар.

Бугун Ўзбекистонда 2239 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Улар тасарруфидаги масжидлар, черков, ибодатхона ва осориатиқалар давлат томонидан таъмирланган. Шунинг билан бирга, диний таълим тизимининг изчил ривожланишига қулай шароитлар яратилгани бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларни ўзида яққол ифода этади.

Иштирокчилар диний қадриятларни эъзозлаш, бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни авайлаб-асраш жамият тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири эканлигини қайд этдилар.

Тадбирда конфессияларaро дўстлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида татбиқ қилинаётган кенг қамровли ишларга юксак баҳо берилди. Ўзбекистондаги диний бағрикенгликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат жаҳон ҳамжамиятига ибрат бўла олиши ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман доирасида мамлакатимизда турли конфессиялар томонидан чоп этилган диний мазмундаги адабиётлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## Qishloq Qurilish Bank

**юртдошларимизга қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади.**

*Миллий валютада:*

**«Юқори даромад»**

***Омонатга маблағлар 8 ой муддатга қабул қилинади.***

*Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади ва омонат муддати тугагач тўлаб берилади.*

**«Омад»**

***Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.***

*Омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра, олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.*

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93. www.qqb.uz**

*«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!*

Хизматлар лицензияланган.

1732R/35



Moody's

## «Moody's Investors Service Ltd»

**2016 йилнинг ноябрь ойида**

**«Moody's Investors Service Ltd»**
**халқаро рейтинг агентлиги (Буюк Британия)**

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ»**
**экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг**
**халқаро рейтингини тасдиқлади.**

**Суғурталовчининг молиявий барқарорлиги халқаро рейтинги (Ba3)**

**Рейтинг прогнози:**
**«БАРҚАРОР»**

Хизматлар лицензияланган.

1738R/734



## «Best realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 20 октябрдаги 11-1604/14177-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Ўртасарой» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 453,50 кв. м., фойдаланиш майдони 179,1 кв. м. бўлган бино (нотурар) қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 320 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 22 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 20 декабрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО: 01036, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй.**
**Телефон: (+99895) 193-01-11.**
**www.emulk.uz Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz**

1735A/540



## «Best realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**I.** Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 13 июндаги 10-1609/8148-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Нафис дон» МЧЖга тегишли, Жиззах вилояти, Пахтакор шаҳри, «Ғалаба» МФЙ, ишлаб чиқариш зонаси ҳудудидаги ишлаб чиқариш биноси, омборхона, ётоқхоналардан иборат, ер майдони 31250,1 кв. м., қурилиш ости майдони 1724,96 кв. м., фойдаланиш майдони 1614,12 кв. м., ишлаб чиқариш майдони 1512 кв. м. бўлган, 1 ва 3 қаватли маъмурий ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш бинолари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 750 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2016 йил 28 мартдаги 23-1504/487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Игилик газ» Қорақалпоғистон — Россия ҚКга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 77-уй, 10-хонадонда жойлашган, умумий майдони 81,91 кв. м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 278 620 200 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 77-уй, 46-хонадонда жойлашган, умумий майдони 150,44 кв. м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 485 631 900 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 6 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 2 декабрь куни соат 18.00.

**III.** Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан ФИБ Миробод туманлараро судининг 2016 йил 17 августдаги 3507/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод даҳаси, 12-уйда жойлашган, 5 хонали, умумий майдони 110,10 кв. м., тураржой майдони 68,70 кв. м. бўлган 33-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 19 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 16 декабрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО: 01036, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй.**
**Телефон: (+99895) 193-01-11. Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz**
**www.emulk.uz**

1731R/540



## «OBIDA RIEL PROFFESIONAL» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг буюртманомасига асосан, қуйидаги бино-иншоотлар бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда:

- Ёзёвон тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона туманлараро судининг 2015 йил 22 декабрдаги 1-622/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ёзёвон тумани, Андижон кўчасида жойлашган, нотўқима маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 404 938 824 сўм.**

- Ёзёвон тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона туманлараро судининг 2015 йил 22 декабрдаги 1-622/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ёзёвон тумани, Ал-Фарғоний кўчасида жойлашган, қурилиш моллари дўкони, озиқ-овқат ва чорва моллари учун омухта ем сотиш шохобчаси бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 316 422 757 сўм.**

- Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 14 июлдаги 15-14-09/8452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, М. Пўлатов кўчаси, 30-уйда жойлашган савдо дўкони бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 38 128 820 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 30 ноябрь куни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 29 ноябрь куни соат 18.00.

**Бундан ташқари қуйидаги объект сотилади:**

- Фарғона тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 27 октябрдаги 15-1409/13324-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона тумани, «Қўрғонтепа» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «Умид» биолаборатория бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 117 454 199 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 15 декабрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби 5 (беш) банк куни мобайнида кўчмас мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Obida riel proffesional» МЧЖнинг «Савдогарбанк» АТБ Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904966256001, МФО: 00500, СТИР: 302256866.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй. Телефон: (0-595) 400-46-37.**
**www.orp.uz**

*Хизматлар лицензияланган.*

1725A/728



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 70 951 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.**
**Навбатчи — Д. Содиқов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.23 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6